



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 6 февраль, № 26 (6461)

Шанба

Сайтга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Маҳалла самарали бошқариш мақсадларига хизмат қилади

Испаниянинг "Atalaya" газетасида "Ўзбек маҳалласи — зарур институт" сарлавҳали мақола чоп этилди.

ЭЪТИРОФ

Ушбу нашр Осие мамлакатларида кечадиган замонавий жараёнларни ўрганишга ихтисослаштирилган. Мақола муаллифи — Сан Пабло Мадрид университети профессори Антонио Алонсо Маркос маҳалла феноменини таҳлил этар экан, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни ҳақида атрафлича фикр юритган. Қайд этилганидек, ушбу ноёб институт асрлар давомида самарали бошқариш мақсадларига хизмат қилиб келмоқда.

"Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик органи сифатида қайта тикланди. Унинг мақоми Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустақамланди".

Муаллиф маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, мазкур институтнинг ижтимоий вазифалар

мажмуини ҳал этиш, жамиятда эзгу кадрларни асраш, баркамол авлод тарбиялаш ва жамоат тартиб-қоидаларини қўллаб-қувватлашдаги иштирокига юқори баҳо берган. "Бугун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари аҳоли томонидан икки ярим йил мuddатда сайланди. Хар бир фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари аҳоли билан доимо ҳамжиҳатликда иш юритади. Маҳалла ахлоқий ва маънавий кадрлар кўллаб-қувватланиши ҳамда уларнинг мустақамланишида ҳам алоҳида ўринга эга. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми самарали ишламоқда. У ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларини намоён этиш, юзага келган масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради", деб ёзади профессор.

«Жаҳон» АА. Мадрид

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари дунё аҳли ҳайрати ва ҳавасига сазовор бўлмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор сурьатлар билан ривожланапти.

Инновацион технологиялар

ҳудудларда ташкил этилаётган технопаркларнинг аҳамиятини белгилаб беради

Жумладан, кейинги 11 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани, юртимиз шаҳару қишлоқлари обод ва гўзал қиёфа касб этаётгани, sanoat тармоқлари жадал тараққий топаётгани, илғор технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, пировардида аҳолининг реал даромадлари, ҳаёт сифати тобора ошаётгани бунинг яққол далилидир.

Кўлга киритилаётган бундай ижобий натижаларнинг кўплаб омиллари бор, албатта. Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтилган куйдаги сўзларни келтириш ўринлидир: "Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг онгу таваққурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий

фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, ўз вақтида, яъни бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, Мактаб таълимини ривожлантириш умумийлиги дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимни ҳаётимизда татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий бир воқеа бўлди, десак, адашмаган бўламиз".

Дарҳақиқат, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар самараларини бугунги шиддаткор замон талабларига тўла жавоб берадиган етуқ муҳассислар тайёрланаётгани, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ривожланиб, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай ўзгаришлар, энг аввало, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтириш, илмий изланишларни ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ривожига йўналтиришга қаратилгандир.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Мебелсозлик учун хом ашё

• Хоразм

Бугун мебелсозлик sanoatидида ламинатланган ДСП материалдан кенг фойдаланилади. Негаки, ушбу хом ашё ҳам бежирим, ҳам мустаҳкам. Қолаверса, таннархи нисбатан арзон.

Ана шу жиҳатларни пухта ўрганган маҳаллий тадбиркор Отабек Болтаев Урганч туманининг Чатқўпир қишлоғида мазкур турдаги мебель хом ашёлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Бест продукт" масъулият чекланган жа-

мияти фаолиятини йўлга қўйди. Истикбол лойиҳа тижорат банкининг 5 миллиард сўм миқдоридagi кредити ҳисобидан молиялаштирилди. На-тижада бу ерда кунига 35 турдаги 600 дона маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Кувонarli жиҳати, корхона жамоаси қисқа мuddатда харидорларнинг 200 миллион сўмлик буюртмаларини бажарди. Шу билан бирга, 12 миң АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ташаббус — муваффақиятлар гарови

• Фаргона

Бешариқ туманидаги "Муҳаммаджон" фермер хўжалигида тикилаётган импорт ўрнини босувчи бош кийимлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Чунки қимматбахо хом ашё — нутрия ва ондатра мўйналари шу ернинг ўзида етиштирилаётгани боис маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришиляпти.

— Фаолиятимизнинг дастлабки йилида 50 бош нутрия парваришини йўлга қўйгандик, — дейди хўжалик раҳбари Муҳаммаджон Холматов. — Тез орада улар сони 350 бошга етди. Истеъмолчилар талаб ҳамда эҳтиёждан келиб чиқиб, ондатралар парваришига ҳам киришдик. Бу жониворлар йилига 16-20 тадан болалади. Ҳеч қанча вақт ўтмай фаолиятимизни янада кенгайтириб, хусусий корхона ташкил этдик.

Ташаббус — муваффақиятлар дебocasи. Айни пайтда бу ерда йилга ўрта ҳисобда мингга яқин бош кийим тайёрланиб, ички бозорга чиқариляпти. Лойиҳа ташаббускорлари яқин истиқболда ушбу кўрсаткични янада ошириш ниятида.

Набижон СОБИРОВ.

Кўркем ва замонавий

• Жиззах

Зомин туманининг Даштобод шаҳрида замонавий деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 1,5 гектар майдонда 7 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

Қисқа мuddатда 3 та савдо айвони, 360 ўринга мўлжалланган расталар, гўшт, сут, балиқ ва нон маҳсулотлари павильонларини ўз ичига олган муҳташам мажмуа бунёд этилди. Бозорга кириш-чиқиш йўлларига асфальт ётқизилди. Фавворалар

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ДИЛ СЎЗИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашиб, Президентимиз нутқини диққат билан тингладик. Унда сўнгги йилларда ҳудудда турли соҳаларда эришилган ютуқлар эътироф этилиши баробарида, йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари атрафлича таҳлил қилиб берилди.

Устувор вазифалар масъулияти

Бу, ўз навбатида, вилоят аҳлини мулоҳаза юритишга, билдирилган танқидий фикрлар, амалий кўрсатмалар асосида ишни ташкил этиб, ҳам-жиҳатлик билан меҳнат қилишга ундайди.

Чиндан ҳам, вилоятимиз мамлакатимизнинг катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ҳамда инсоний ресурсларга эга ҳудудларидан саналади. У ҳосилдор тупроғи, бой минерал хом ашё манбалари, мўлқул сув захиралари, кенг sanoat имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Республикаимизда ишлаб чиқариладиган sanoat маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг эса 9,7 фоизи вилоятимиз ҳиссасига тўғри келиши бунинг тасдиғидир. Қолаверса, воҳамизда ўзига хос деҳқончилик мактаби ҳам шаклланганки, богбону соҳибкорларимиз ўзлари етиштирган нознеъматлар билан нанкин ҳудуд аҳолисини, балки пойтахтимиз аҳлини ҳам баҳраманд этиб келаётир.

Бу ютуқлар, шубҳасиз, ўзимизники. Лекин бой берилаётган имкониятлар-чи? Шундай бекиёс салоҳият мавжуд бўла туриб, аслида бошқа ҳудудларга ўрнак ва намуна кўрсатишга қодир вилоятимизда бир қатор соҳа ҳамда жабҳаларда ўзибуларчилик кайфияти юзага келгани, қолоқликка йўл қўйилгани афсусланарлидир.

Бир ўйлаб кўрайлик, бугун қандай замонда яшаймиз? Бугун дунёда молиявий-икти-

содий инқирознинг салбий оқибатлари тобора кучайиб бораляпти. Телевизор орқали кўриб турибмиз-ку, манаман деган давлатларда ҳам мураккаб ижтимоий вазиятлар юзага келиб, қанчадан-қанча одамларнинг турмуши оғирлашиб, ҳаловати йўқолган. Қолаверса, нотинчлик туфайли уйдан айрилган, рўзгори пароканда бўлаётганлар озми жаҳонда? Улардан тўғри хулоса чиқаришимиз, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга шўқрона айтиб, яратилаётган кенг имкониятлар, шарт-шароитлардан унумли фойдаланишимиз айна мuddаодир. Эришаётган ютуқларимиздан ҳаволаниб, хотиржамликка берилиш, локайдлик қилиш ярамайди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, эски тузумдан қолган "олма пиш, оғзимга туш" деган қарашлардан бутунлай воз кечишимиз, дунёқарашимизни, ишга, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим.

Ахир вилоятимизда, шундай улкан ва бекиёс имкониятлар заминида бўла туриб, бир қатор туманларнинг худуд sanoatидаги улуши хануз 1 фоиздан ҳам паст бўлиб қолаётгани, 20 та йирки sanoat корхонасида ўтган йили ишлаб чиқариш ҳамми пасайиб кетгани, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг аҳоли талаб даражасида эмаслиги, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани биз, фаоллардан тортиб, жойлардаги катта-кичик раҳбарларни аввалроқ ташвишлантириши керак эди.

(Давоми 2-бетда).

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

туфайли ишлаб чиқариш корхоналарининг салоҳияти тобора юксалиб бормоқда



Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида юртимизда ўтган йили ҳам улкан ижобий ўзгаришлар юз бергани алоҳида эътироф этилди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Глобал молиявий инқироз ҳамон кўплаб давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда республикаимизда ялпи ички маҳсулот 8 фоизни ташкил этгани, иқтисодиёт тармоқларида аввалги йил-

лардагига нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилгани ана шундан далolat беради.

Дарҳақиқат, ўтган даврга назар ташласак, барча соҳада жадал ривожланиш жараёнига, турмушимиз

тобора яхшиланиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Аҳолининг ҳаёт даражаси мамлакат раванқини белгилувчи асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олсак, қўлга киритилаётган муваффақиятлар аҳамияти нечоғлик юқорилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласан, киши. Бу, албатта, юртимизда узокни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар, анж мақсадли дастурлар самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилда юртимизга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан

15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари

миқдоридa инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди.

Аниқ мақсадли инвестиция сиёсати юритилиб, сармоядорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, sanoat тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳалар изчил амалга оширилаётгани туфайли ана шундай муваффақият қўлга киритилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "Зика" деб номланган вирус кенг тарқалаётгани боис халқаро ҳамжамиятни хушёрликка чақирди.

Хавфдан огоҳлантирди

"Евроноос" телеканали хабарига кўра, айни пайтда ушбу юқумли касаллик Жанубий Америка қитъасининг 26 давлатида қайд этилган.

Эҳтиёжмандларга тарқатилади

Франциядаги супермаркетларда бундан бунён ярқиллик муддати тугашига оз вақт қолган озиқ-овқат маҳсулотлари ташлаб юборилмайд.

Мазкур ҳужжатга кўра, эндиликда амал қилуш мuddати ўтиб кетадиган озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатадиган ташкилотларга топширилади.

АҚШнинг "Morgan Stanley" банки "Brent" типидagi нефть нархи бўйича жорий йилги прогнозини псайтирди.

Тахминини ўзгартирди

Экспертларнинг фикрича, мазкур турдаги "қора олтин" баҳоси йил охиригача 30 доллардан паства тушиб кетади.

Янги тадқиқот

"NASA" агентлиги инсониятнинг Марс сайёрасида хаёт кечира олишини аниқлаш бўйича янги тадқиқот бошлади.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Лойиҳага мувофиқ, бир гуруҳ кўнгилчилар махсус қурилган иншоотда бир ой давомида яшаши керак. Бу мuddатда улар турли синовлардан ўтади.

Олинган натижалар шу йил ўрталарида маълум қилинади.

Озиқ-овқат саноати:

Имконият ва истиқбол

Юртимиз иқтисодиётининг барча тармоғи, хусусан, озиқ-овқат саноати жадал суръатларда ривожланмоқда.



Пойтахтимиздаги "Gold Dried Fruits" масъулияти чекланган жамияти ҳам соҳада самарали фаолият кўрсатаётган илғор ишлаб чиқариш субъектларидан биридир.

ларидан экинзорлар ажратилгани айни мuddао бўлди. Натижада ушбу майдонларда экспортбоп мева навлари ҳамда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди.

экспортбоп қарам ҳам олинапти. Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги боғларда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган илҳолатлар иқтисодиётимизнинг мұхим таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш ҳамда уни қайта ишлаш ҳажмини муттасил кўпайтириш имконини бермоқда, — дейди МЧЖ раҳбари Мурод Валиев.

"Gold Dried Fruits"нинг боғ ҳамда дала неъматларини қайта ишлашчи замоний цехи мавжуд. Хом ашёни элаш, майдалаш, қуритиш линиялари ишлаб турибди.

Чунки юртимизнинг тупроқ-иқлим шароити, йилнинг ўртача 320 кун куёшли бўлиши туфайли лаззатли ва сифатли мева-сабзавотлар етиштирилади. Бундан ташқари, пишиқчилик мавсуми

РЕКЛАМА УРНИДА

ЭЪЛОНЛАР

Хисобот топширувчилар диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бoшқармаси

нодавлат ва нотижорат ташкилотлари 2015 йил учун давлат статистика хисоботларини қонунчиликда белгиланган мuddатларда тақдим этишлари зарурлигини эслатади:

хисобот" — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) тақдим этилади, тақдим этиш мuddати — 15 февралдан кечиктирмай.

1-нотижорат шакли «Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида 2015 йил учун хисобот» — нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ)дан ташқари) тақдим этилади, тақдим этиш мuddати — 16 февралдан кечиктирмай;

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатуви олиб бoриш учун зарур бўлган хисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этишда ифодаланган давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибининг бузилиши, хисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки хисоботларни тақдим этиш мuddатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-мuddасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2-нотижорат шакли «Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида 2015 йил учун хисобот», жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақдим этилади, тақдим этиш мuddати — 2 мартдан кечиктирмай;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий хисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қискартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли Фармонига мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб барча статистик хисоботлар электрон кўринишда тақдим этилиши лoзим.

3-КОМ шакли «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида 2015 йил учун

Барча маълумот www.stat.uz сайтида мавжуд. Телефонлар: (0-371) 230-88-29, 230-88-09.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 11 март куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибидa ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 24 августдаги 10-1521/14068-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонкўл» ҚФЙ, Болта қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 671,41 кв.м., ҳовли майдони 1868,03 кв.м., жами участканинг майдони 2544,10 кв.м. бўлган, 7 та литердан иборат бинолар ҳамда ёқилган қуйишга мўлжалланган усқуналарга эга АЕКШ қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 406 500 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловни амалга ошириши лoзим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача

қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблагни тўлов хўжжатида ижро хўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган хўжжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган хўжжат илова қилинган ишончнома, закатал пули тўланганлиги ҳақида тўлов хўжжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунчилигини тасдиқлайдиган маълумот.

Кўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Батафсил маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти ЖИБ судининг 2015 йил 16 февралдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 7018,97 кв.м., қурилиш майдони 1114,04 кв.м. бўлган «Нилуфар» маданий ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (тўйхона) тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 658 321 690 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 февраль куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача

қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устaв фондидaги улушлар, автомобилотранспорт воситалари, асбoб-усқуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бoшқа турдаги давлат ҳамда нодавлат мол-мулкларининг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф қилади.

Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош маркази» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Хуршид кўчаси, 87-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Chevrolet NIVA 21230L» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, қулранг тусли (кумуш металлик), техник ҳолати яхши, давлат рақами 01/592 FAA.

Бошланғич баҳоси — 25 796 900 сўм.

2. «Chevrolet NIVA 21230L» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, қулранг тусли, техник ҳолати яхши, давлат рақами 25/033 BAA.

Бошланғич баҳоси — 24 527 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00

дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 9 март куни соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов хўжжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Гувоҳнома № 001580.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Хорижий сармоядорлар диққатига!

«Respublika mulk markazi» АЖнинг устaв фондидaги 34 фoиз, бошланғич баҳоси 1 568 627 339 сўм бўлган давлат улушини «Тошкент» РФБнинг биржа савдолари орқали сотиб олишни таклиф этамиз.

Телефон: (0-371) 227-90-23.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

Алишер Навоий теурий султонлар ичида Хусайн Бойқаро тимсолида Амир Темурдек улугворликни кўради. Чиндан ҳам, у бобоси сингари элу юрт ободончилиги учун жуда кўп тadbирларни амалга оширади. Бу қилинган ишлар Навоий "Хамса"сидаги достонларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, "Хамса"нинг биринчи достони "Хайрат ул-аброр"да келтирилган "Шоҳ Ғозий" хикоятида Хусайн мирзо қайта-қайта таърифланган. Умуман, "Хамса" достонларининг ҳар бирида Хусайн мирзога бағишланган мадҳия борки, буларда ҳам Алишер Навоий Бойқарони теурий шахзодалар орасида энг тadbиркор сифатида қайд этади.

Дўстлик сабоғи

"Мажолис ун-нафоис" асарининг саккизинчи мажлисида Хусайн Бойқаро ижоди ҳақида сўз юритилади. Ва шундай таъриф берилади: "...Саховат ҳавосининг абри гўҳарбори ва шиқоат бешасининг хузабр шикори, адолат чаманининг сарви сарбаланди ва мурувват маданиянининг гавҳари аржуманди". Бу таъриф Хусайн Бойқаронинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва ижодига берилган холисона баҳодир.

Хусайн Бойқаро ғазалларидаги ўзига хос ташбеҳлар унинг етук шоир эканини исботласа, куйидаги мисоллар адабиёт илмининг қонун-қоидаларини, ҳаёт воқелигини ҳам яхши биланлигини кўрсатади. Айтишларича, Мавлоно Қобулий деган туркий ва форсийга таъби назм бўлган бир йигит:

Наъл кестим дарди
*афзун бўлдию кам бўлмади,
 Доғ кўйдум сўзи кам бўлғай дебон,
 ҳам бўлмади*

деб бошланувчи матлафини Алишер Навоийга бериб, давом эттиринг ва Хусайн Бойқарога ўқиб беринг, дея илтимос қилади. Навоий:

Сарв мойил бўдликим,
*ўпғай аёғинг тупроғин,
 Йўқса ҳар соат*

сабо таҳриқидин ҳам бўлмади байтини ёзиб, ғазални давом эттирган. Йигит эса ғазални бир киши орқали Хусайн Бойқаронинг мажлисига киритган. Ғазални тўлиқ эшитган Хусайн Бойқаро иккинчи байтни Қобулий ёзганга шубҳа қилади ва у Навоий ижодига мансублигини айтади. Ноилоҳ қолган Алишер Навоий аҳли мажлис олдига буни тан олмайди. Шунда Қобулийни чақириб аниқлашни мақсад қилдилар. Навоий хижолат бўлиб, нима қилишини, яъни сир ошкор бўлса дўстининг хафа бўлишини ўйлаб эзилди. Қобулийни мажлисга чақирадилар. У ҳозир бўлгач, унинг яхши ғазал ёзгани муқофотланади ва ҳеч нарса сўралмайди. Бундан таажубланган давра аҳлига қарата Хусайн Бойқаро

шундай дейди: "...унутмадик, лекин йигитни ва унга ёрдам берган кишини уялтирмаслик учун ҳеч нарса сўрамадим" дейди... Мана шундай гўзал хулқи, ўта синчков, билимдон Хусайн Бойқарога тегишли машҳур ғазаллар ҳамон эл оғзидан тусмаган.

Восифийнинг "Нодир воқеалар" асарида келтирилишича, Хусайн Бойқаро "Хамса" асарини зўр иштиёқ билан ўқиб чиққач, Алишер Навоийга қараб: "Бир можаро Сиз билан орамизда аллақачондан бери ҳал бўлмас эди. Бугун бу ишни бир ёқлик қилайлик?" дейди. Бу можаро шундан иборат эдики, Хусайн Алишернинг муриди бўлишни кўнган бери орзу қилар ва уни "пирим" деб атаб эди. Алишер эса бунга жавобан: "Э Аллоҳ, Аллоҳ бу қанақа сўз бўлди?! Аслида — биз муридмиз, Сиз — ҳаммамизга пир-сиз" дер эди. Энди Хусайн Алишердан сўради: "Пир нима-ю, мурид нима?" Алишер жавоб берди: "Пирнинг тилаги — муридининг тилаги бўлиши керак". Шунда Хусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди. Бу от эса жуда шўх, чопқир эди. Хусайн Бойқаро айтди: "Сиз мурид бўлсангизу мен пирингиз бўладиган бўлсам, истайманики, Сиз шу отга минасиз. Мен эса уни етаклайман!"

Алишер эгарга ўтириши билан Хусайн отнинг жиловидан ушлаб, етаклай бошлади. Алишер хушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар.

Болалиқдан бирга ўсган, таълим-тарбия олган икки зотнинг дўстликка садоқати, эҳтиромини кўрсатувчи бу каби мисоллар ниҳоятда кўп. Бундай ҳикоя ва ибратомуз воқеалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Алишер Навоий ҳам, Хусайн Бойқаро ҳам инсоний фазилатлари юксаклиги билан барчанинг хурмат-эътибори, эъзозига сазовор бўлишган.

Олимжон ЖҲҲРАЕВ,
 Жиззах давлат педагогика институтининг профессори.

«Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг дурдонаси»

Бельгиянинг Фарбий Фландрия провинциясида нашр этиладиган "Contact" журналининг навбатдаги сониди "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг дурдонаси" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

ДУНЁ НИГОҲИ

Мазкур журнал Бельгия Кортрейкида (Фарбий Фландриядаги шаҳар) фламанд тилида чоп этилади. Минтақа ва халқаро аҳамиятга молик сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий воқеалар ёритиладиган ушбу нашр Бельгиянинг юқорида кўрсатилган провинцияси ва бошқа ҳудудларидаги расмий тизимлар, компаниялар ҳамда қатор ташкилотларга тарқатилади.

Мақолада халқимизнинг бой тарихи ва маданияти ҳамда юртимизнинг бебаҳо илмий-меъморий мероси ҳақида сўз юритилган. Унда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг улуг аждодларимизнинг маънавий ва маданий меъ-

сини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари сирасидан ўрин олди.

"Амударё ва Сирдарё дарёлари оралиғида жойлашган ушбу давлат қадим-қадимдан жаҳон цивилизациялари ўчоқларидан бири бўлиб келган. — дейилади нашрда. — У ўз вақтида Буюк Ипак йўлининг, Шарқ ва Фарб ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорликнинг марказий боғловчи бўғини бўлган".

Ўзбекистон ва Бельгия халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталар экан, "Contact" ўзаро алоқаларнинг тарихи узоқ ўтмишига бориб тақалишини қайд этади. "Фламанд монах-сайёҳи Виллем Рубрук-

нинг (XIII аср) Марказий Осиё ҳақидаги қайдномалари ҳамда Буюк Ипак йўлидаги энг йирик марказлардан бири — Бухородан унчаллик узоқ бўлмаган Зандани қишлоғидан олиб келинган (IX аср) ва бугунги кунда Льеждаги Авлиё Пётр соборида сақланаётган газлама ушбу фикрни тасдиқлайди. Ўрта асрда ҳам Европа тиббиёт илмининг даҳоси, Авиценна номи билан жаҳонга машҳур бўлган ўзбек халқининг буюк бобокалони Абу Али ибн Синони яхши билган. Унинг "Тиб қонунлари" асари ўша даврнинг кўпгина тиббиёт университетларидаги асосий ўқув қўлланма-



ларидан бири бўлган. Ҳозирги пайтда Лювен Католик университети профессори, бельгиялик Юль Янссенс Абу Али ибн Сино фаолиятини ўрганишни давом эттирмоқда. У буюк олим ҳаёти ва ишлари ҳақида 200 дан ортиқ китоб ёзди. 2000 йили Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Синога ёдгорлик ўрнатилди", деб хабар беради нашр.

Бугунги кунда Тошкент — Кортрейк ва Льеж — Самарқанд шаҳарлари ўртасида ўрнатилган шериклик муносабатлари воситасида тарихий

алоқалар ўзининг мантаний давомини топган.

Мақолада, шунингдек, республикамизнинг бой тарихи ва маданияти бугунги кунда ҳар томонлама ўрганилаётгани ҳамда янада бойитилаётгани ўқувчилар эътиборига қўйилган. Ушбу ҳақида 200 дан ортиқ китоб ёзди. 2000 йили Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Синога ёдгорлик ўрнатилди", деб хабар беради нашр.

Бугунги кунда Тошкент — Кортрейк ва Льеж — Самарқанд шаҳарлари ўртасида ўрнатилган шериклик муносабатлари воситасида тарихий

«Жаҳон» АА. Брюссель

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки

2016 йил мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 27 турда ва хорижий валютада 17 турда қулай шартларда омонат турларини тақлиф қилади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	0-371	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	0-371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	0-371	140-39-36
Юнусобод филиали	0-371	221-80-67
Сергели филиали	0-371	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	0-371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	0-374	223-60-74
Асака филиали	0-374	233-21-99
«Фарход» филиали	0-374	226-96-63
Фаргона вилояти филиали	0-373	244-39-14
Марғилон филиали	0-373	237-62-23
Олтиариқ филиали	0-373	432-19-80
Кўқон филиали	0-373	542-61-01
Наманган вилояти филиали	0-369	227-15-68
Навоий вилояти филиали	0-436	770-21-29
Зарафшон филиали	0-436	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	0-365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	0-365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	0-366	233-65-47
«Афросиёб» филиали	0-366	221-71-76
Қашқадарё вилояти филиали	0-375	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	0-376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	0-361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	0-362	228-14-81
Сирдарё вилояти филиали	0-367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	0-372	226-43-11

«АСАКА» БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!

ОМОНАТЛАР ҚУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

www.asakabank.com

Табиатнинг шифобахш неъматлари



Самарқанд вилоятининг Жомбой туманини баландликдан туриб кузатсангиз, гўзал манзаранинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, йўл ёқалари, ариқ ва зовурлар бўйидаги, кенгликлардаги дов-дарахтлар бу масканга ўзгача кўркамлик бахш этган.

Дарҳақиқат, азалдан ушбу ҳудуд вилоятнинг сўлим масканларидан бири ҳисобланади. Туманда яшил майдонларнинг кенгайиши, ноёб ўсимлик турларининг кўпайтирилиши, қисқача айтганда, маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг жадаллашишида "Жомбой" давлат ўрмон хўжалигининг хизмати катта.

ҚАРОР ВА ИЖРО

2015 йил 19 январдаги 2015 — 2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озуқабоб ўсимликлар хом ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора-тадбирларига оид қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилади.

— Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўтган йили 12,3 гектар ерда 21 турдаги доривор ўсимликлар етиштириш йўлга қўйилди, — дейди "Жомбой" давлат ўрмон хўжалиги директори Олимжон Мирзаев. — Далачай, аччиқ бодом, тирноқгул, ошқовок уруғи, кийикўт, наьматак, ерқалампир шулар жумласидандир. Бундан ташқари, озуқабоб экинлардан қизил лавлага экилиб, мазкур экинлардан жами 40 тонна ҳосил олинди.

Сифатли йиғиштирилган маҳсулотлар тузилган шартномага асосан, "Самарқанд доривор" акциядорлик жамияти ва "Мед-сервис Самарқанд" масъулияти чекланган жамиятига етказиб берилди. Натижада ушбу йўналишдан ҳам кўшимча даромад кўрдик.

Таъкидлаш керакки, фармацевтика саноатида доривор ўсимликларга бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Шу боис ўрмон хўжалигининг 64 кишилик жамоаси 2016 йилда бундай экинлар экиладиган ер майдонларини кенгайтириш, ўсимликлар турини кўпайтириш ниятида. Мақсад саноат корхоналарининг муҳим хом ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофазатлаш ишига муносиб ҳисса қўшишидир.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
 «Халқ сўзи» мухбири.

ҒАМХҲҮРЛИК

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон шаҳридаги 500 миллион сўм маблағ ҳисобига мукамал таъмирдан чиқарилган "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази навқирон авлод вакиллари ихтиёрига берилди.

Ёшларга тўхфа

Бинобарин, бу ердаги мавжуд 30 га яқин тўғарақ фаолияти такомиллашди. Машғулотларини самарали ташкил этиш учун кўшимча қулайликлар яратилиб, замонавий жиҳозлар келтирилди.

— Марказимизга тумандаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 900 га яқин ўғил-қизлар жалб этилган, — дейди муассаса раҳбари Юнусхон Камолов. — Улар ўйинчоқ ясаш, зардўзлик, пазандалик, тўқувчилик каби йўналишларда хунар ўрганишмоқда. Қолаверса, инглиз тили сабоқлари ҳам йўлга қўйилган. Муҳими, бу ерда ўқувчи-ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказдилар.

Белгиланган дастурни ўзлаштирган ўқувчиларга касб-хунар ўрганганлиги тўғрисидаги сертификат ҳам тақдим қилинмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
 «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлбағ олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона (0-371) 233-52-55;
 Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
 Навбатчи — М. Холматова.
 Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Тошпирилди — 22.45 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-6788

7202034678001